



ЁШЛАР ОРАСИДА ЭКСТРЕМИЗМНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ЯНГИЧА МЕХАНИЗМЛАРИ

Ибрагимов Аброр Алимович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15314711>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 20-Aprel 2025 yil
Ma'qullandi: 25- Aprel 2025 yil
Nashr qilindi: 30-Aprel 2025 yil

KEYWORDS

Ёшлар, экстремизм,
профилактика, янги
механизмлар, ижтимоий
омиллар, психологик
омиллар, рақамли
технологиялар, таълим,
мафкуравий иммунитет,
ижтимоий фаоллик.

ABSTRACT

Мақола ёшлар орасида экстремизмнинг олдини олишга қаратилган замонавий ва янгича механизмларга бағишланган. Унда экстремизмнинг ёшлар орасида тарқалиш сабаблари, ижтимоий, мафкуравий ва психологик омиллари таҳлил қилинади. Экстремистик ғояларга қарши курашишда инновацион ёндашувлар, жумладан, рақамли технологиялар, ижтимоий тармоқлар ва таълим тизими орқали профилактика чоралари кўриб чиқилади. Шунингдек, ёшларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтириш ва уларни ижтимоий фаолликка жалб қилиш бўйича таклифлар илгари сурилади.

Экстремизмга қарши курашнинг муҳимлиги ҳозирги кунда кўпгина давлатнинг мансабдор шахслари билан кўриб чиқилмоқда.

Мухтарам Президентимизнинг 2021 йил 19 январдаги маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказган мажлисида “бугун дунёда кескин кураш ва рақобат ҳукм сурмоқда, манфаатлар тўқнашуви кучаймоқда. Глобаллашув жараёнлари инсоният учун беқиёс янги имкониятлар билан бирга кутилмаган муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Миллий ўзлик ва маънавий қадриятларга қарши таҳдид ва хатарлар тобора ортмоқда. Фақат ўзини ўйлаш, меҳнатга, оилага енгил қараш, истеъмолчилик кайфияти турли йўللار билан одамлар, айниқса, ёшлар онгига устамонлик билан сингдириляпти. Терроризм, экстремизм, трансмиллий ва кибер-жиноятчилик, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидлар хавфи ошиб бормоқда. Баъзи ҳудудларда атайин беқарорлик юзага келтирилиб, норозилик кайфияти авж олдирилмоқда. Бундай таҳликали вазиятда ҳушёр ва огоҳ бўлиб, халқимизнинг тинчлиги, мамлакатимиз манфаатларини ўйлаб яшаш зарур” деб такидлаб ўтган.

Экстремизмни ўсиши жамоат хавфсизлигига жиддий таҳдид деб белгилаган. Замонавий фактларнинг тарихи шуни кўрсатаётгани, экстремизм ва уни кейинги кўриниши терроризмга қарши кураш ҳозирги кунда долзарб бўлиб келмоқда. Содир

этилатган террорчилик харакатларидан минглаб одамлар жабр чекмоқда. Моддий ва маданий бойликлар вайрон этиляпти.

Террористик методлар кўп вазиятларда ўзининг мақсадларига етиши учун алохида экстремистик гурухларга ва ташкилотлар учун мажбурий восита бўлиб қолган. Терроризмга қарши курашнинг асоси бошланғич иш бўлиши керак. Унинг қуввати эса тезкор-қидирув профилактикаси бўлиши шарт. Бу ерда зарурий ўсишни конфессиал институтларини жамоат ташкилотлари махсус хизматлар ХМҚОлар ва ижро этувчи структурани ўз ичига олувчи терроризм профилактикасининг умумдават тузимини кўриш керак.

Ёшларнинг асоциал тарбияси экстремистик йўналишида эга бўлган ва аформол гурухлар сафини тўлдиришининг криминоген фактлари бўлиб турибди. Охирги пайтда бу муаммо алохида долзарб бўлиб бормоқда. Турли хил манбаларга кўра аформол ёшлар гурухлари ва экстремистик йўналиш харакатларининг жами асосий доимий шахсий таркиби ярим миллионни ташкил этади. Уларнинг ноқонуний фаолияти катта тахдидни келтириб чиқараяпти. Аммо бунинг хавфлилиги фақатгина сонлар ўсишида эмас балки ўсиб келаётган авлодни эгаллаб келаётган ижтимоий касалликни кучайтиргани хамдир. Хозирги кун ёшларининг аксарияти агрессивроқ. Уларнинг айримлари эса жиноий ташкилотларнинг таъсирида жиноят содир этган. Экстремистик харакатларга қарши курашиш комплекс муаммодир ва у билан фақатгина давлат ХМҚОларигина эмас, балки бошқа давлат органлари, жамоат ташкилотлари шуғулланишлари керак. Бунда асосий ролни диний конфессиялар хам ўйнаши мумкин. Рус олими Ю.Н. Демидовнинг фикрига кўра антитеррористик фаолият билан шуғулланишда шуни хисобга олиш зарурки, унинг профилактикаси экстремизмга қарши кураш билан бир қаторда терроризм экстремизмнинг энг охирги этапи хисобланади. Ўтган юз йилликнинг охири жиноятчиликнинг ўсиши, гиёҳвандлик кўпайиши. Терроризм ва экстремизмнинг кўпайиши билан ажралиб туради. Экстремизм бу одамнинг унга тушунарсиз бўлган ва рўй бериб турган жараёнларга нисбатан химоявий реакциядир. Кўп холатлар шуни кўрсатяптики, экстремизмнинг пайдо бўлиши ва ўсишининг сабабларини ижтимоий сиёсий ва маданий идеалогик келишмовчилиги чизмаси орқали кўриб чиқиш зарур. Хозирги кундаги мавжуд бўлган холатдан норози бўлган шахслардан одатда турли хил экстремистик йўналишдаги гурухлар пайдо бўлиши мумкин. Экстремизм ўзидан тасодифий оз муддатли бўлмаган объектив ва фактлар ва шароитлар жамулжамлиги билан ифодаланадиган ходисани намоён этади.

Хозирги вақтда у шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашда энг ўткир муаммодир ва давлат ҳуқуқини муҳофаза қиладиган тизимининг биринчи навбатдаги таъсир чора объекти хисобланади. Назарий тадқиқотлар ёшларнинг экстремистик йўналиши, гурухларнинг аниқлаш ва ишлаб чиқариш амалиётининг ўрганиш ва анализ қилиш олиб борилаётган тезкор-қидирув тадбирларининг самарадорлигини кўтариш мақсадида ташкилий ва тактик харакатга эга фаолиятини белгилайди ва уларни заруриятини ўрнатади. ХМҚОлар алохида гурухлар ва шахслар томонидан содир этилган экстремистик акцияларни аниқлашда ўз кучини кейинги харакатларга йўналиради. Нейтрализация қилиш, ташқи фактларнинг негатив таъсирини йўқотиш, ёшлар ўртасида алохида ҳавфли гурухларни аниқлаш ва уларни ўз экстремистик

харакатларидан воз кечиши учун қонуний йўллар билан таъсир этиш, тезкор бўлинмаларнинг экстремистик йўналишига эга бўлган ташкилотларни фош этиш бўйича фаолияти экстремистик ва террористик йўналиш жиноятларни содир этаётган ва тайёланаётган йўналишли жиноятларни содир этаётган ва тайёрланаётган шахсларни аниқлашга қаратилган бўлиши керак, келажакда эса етарлича қонуний асослар бўлганда уларни тезкор ишлови бўйича тезкор кидирув тадбирлар комплексини амалга ошириш лозим.

Тезкор ишловнинг асосий вазифаларни махсус адабиётларда кўрсатилган. Уларда аниқ бир тадбирлар комплексини очиқ публикацияга қўйишни иложи йўқ. Шунинг белгилаб ўтиш керакки ҳозирги замонавий тезкор ҳолатлар ўсаётган сиёсий ва иқтисодий хавфсизлик, бу тезкор қидирув фаолиятини доимий такомиллаштирилишини талаб қилади. ИИОни энг муҳим профилактик ишларининг йўналиши деб экстремистик гуруҳларни йўқотиши ва орасини бузишга қаратилган чораларни қабул қилиши ҳисобланади. Экстремизмнинг профилактикаси билан фақатгина ҲМҚО тизими шуғулланиши керак эмас. Бундан ташқари битта ҲМҚО тизими ҳаркати билан бу муаммони бартараф этиб бўлмайди.

Ёшлар экстремизмга қарши курашиш мавзусида давлат ва жамият органларини фаолиятини такомиллаштирилишининг асосий йўналишлари қуйидагилар тақлиф этилади:

-Ёшлар орасидаги экстремистик фаолиятга қарши курашиш бўйича ягона давлат тизимини ишлаб чиқиш шарт.

- Тизим эса барча бошқарув йўналишларини мувофиқлаштириши, экстремизмни энг биринчи босқичида аниқлаш ва оғохлантириш бўйича тадбирларни режасини тузиш ва ўтказиши керак.

-Келгусида экстремизмни олдини олишда давлат дастурларни қабул қилишда давлат бошқарув органлари ва ўзини ўзи бошқарувчи органлар билан ҳамкорликни фаоллаштириши дисциплинани мажбурий компонент сифатида ўрта ва олий ўқув муассасаларига киритиши манфаатга улар асосида таҳсил олаётганларда меҳнат, оила, соғлиқ, жамият ва давлатга нисбатан тўғри муносабат пайдо бўлади.

Ватанпарварлик, ватанга бўлган севги барча миллатларга, динларга ва позитив муносабат ғояларини тарғиботини такомиллаштириш зарур. Замонавий шароитларда позитив йўналишга эга бўлган ёшлар иштирокларини яратиш ва такомиллаштирилишини фаоллаштириш муҳим. Ёшларни бу турдаги ташкилотлардаги иштироки уларни онгига яхши таъсир қилади ва уларни бирон бир экстремистик ҳаракатлардан узоқ тутди.

Бундан ташқари экстремизм ва терроризмни таснифини очадиган барча рухий маънавий тарбияси таҳлил қилиши турларини қўллаб қувватлашни такомиллаштириш зарур. Алоҳида эътиборни ёшлар орасида идеологик ишларни ташкил этишга қаратиш керак. Бунинг учун субъектлар даражасида идеологик бўлинмаларини яратиш зарур. Уларнинг ёрдамида ОАВда мувофиқлаштирилган тадбирлар ҳамда умумий ва индивидуал профилактика доирасида, яширин ёшлар экстремистик ташкилотларини ҳақиқий йўналишлари ва мақсадларини тушунтирилишини амалга ошириш керак.

Шунингдек экстремистик фаолиятдаги ташкилотларни ўртакашлик фаолиятини ҳам фoш этиш зарур, Бу ёўналишлар тузилиши учун ҲМҚО даражасида ишловчи идеологик ишга ихтисослаштирилган бўлинма яратиш мақсадга мувофиқ.

ҲМҚОлар ва суд органлари ходимлари педагогик коллективлари билан ҳамкорликда антижамоавий гуруҳларга кириб қолган, айниқса гуруҳий ва такрорий ноқонуний ҳаракатлари учун жавобгарликни кўзда тутадиган вояга етмаганлар ва уларнинг ота-оналари ва қонуний вакиллари иштирокида тушунтириш ишларини олиб бориш, экстремизм билан боғлиқ жиноятлар тарихини ҳам ўргатиш зарур.

Сўзсиз ёшларнинг экстремистик йўналишлар иштирокчилари билан ҳам ишини кўриб чиқиш керак. Бу ердаги энг катта фаолият майдони психологларда ёшларнинг агрессивлигини фақатгина экстремистик гуруҳ ва уларнинг ҳар бир иштирокчилари билан сабрли ва онгли ишлаш орқали мўтадил қилса бўлади. Бундай яхши тузилган иш бу мақсадларни дунёқарашини ўзгаришига олиб келади. Интернет имкониятларини тўлиқ ишлатиш тавсия этилади. Ҳозирги вақтда амалга оширилаётган ишлардан ташқари интернетда сайтлар ёритиш, турли хил ёшлар экстремистик фаолиятини муҳокама этувчи, ноформал дунёқарашли тематикага эга гуруҳларни муҳокамалар форумини ташкил этиши керак.

Бу интернетдаги катта гуруҳлар кайфиятини таҳлил қилишга ва кўпроқ радикал кайфиятли шахсларни аниқлашга имкон беради. Келажакда- бу шахсларни ҳисобга қўйиш ва улар билан профилактик ишлар амалга оширилади.

Экстремизмга қарши курашнинг мувофиқлаштиришни муҳим йўналиши бу антиэкстремистик йўналишга эга қонунчиликни мувофиқлаштириш.

Бу соҳадаги ҳуқуқий тартибга солишдаги бўшлиқлар ҳуқуқий фаолиятни самарадорлигини пасайтиради. Ҳуқуқий тартибга солишнинг такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар мавжуд, аммо бу саволлар мазкур мақоланинг чегарасидан ташқарида. Субъектлар антиэкстремистик комплекс чора-тадбирларнинг оширишда ва қабул қилинган қарорлар, режалар ва тадбирларнинг амалга оширишини назаратини прокуратура органлари амалга ошириши керак. Бугун шуни айтиш керакки экстремистик характерга эга ноқонуний ҳаракатларни оғохлантирилиши юқорида кўрсатилган комплекс чора-тадбирлар ёрдамида тезкор-тадбирларни ўтказишда талаб қилинади. Бу давлат аҳамиятига эга бўлган иш бўлиб, умумдавлат иши ва жамият органлари ва диний конфессиялар билан самарали ҳамкорликни талаб килади.

Замонавийликни энг муҳим вазифаси –экстремизм профилактикасини тўлиқ умумдавлат тизимини яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т.,2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси-Т.,2023.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси-Т.,2023.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси-Т.,2023.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни-Т.,2012.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонуни-Т.,1999.

7. Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни-Т.,2000.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни-Т.,2018.
- 9.Файзуллаев, Д. О. (2024). Ёшлар орасида жиноятчиликка қарши курашиш давлатимизнинг долзарб вазифасидир!
Центральноазиатский журнал междисциплинарных исследований и исследований в области управления, 1(1), 117-123
- 10.Қ вопросу о понятии экстремизма.МА Маликов, МКУ Холходжаев - Eurasian Journal of Law, Finance ..., 2024 - cyberleninka.ru
- 11.Some aspects of the legal regulation of the conduct of operational-search measures by the internal affairs bodies.RR Nishonkhujaevich - INNUC, 2023 - innuc.uz
- 12.Угроза религиозного экстремизма и терроризма.Х Якубов, Х Рахмонжонов - Общество и инновации, 2022 - inlibrary.uz
- 13.Basics of a quick experiment conducting operational search events
YK Sheribboevich - International Journal Of Law And Criminology, 2024 - inlibrary.uz
- 14.Текшириш учун харид килиш ва назорат остида олиш тадбирларининг тушунчаси ва ахамияти.ТЭ Машарипов - Евразийский журнал права, финансов и прикладных ..., 2024
- 15.Файзуллаев, Д (2024) Кибержиноятчиликнинг келиб чиқиши ва ривожланиши тарихи. Central asian journal of multidisciplinary research and management studies4(1), 120-125
- 16.Ёшлар орасида экстремизмга қарши иммунитетни шакллантириш/ТЭ Машарипов, СР Ишниёзова Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences 4 (5), 107-113
- 17.Файзуллаев, Д. (2024). Ёшлар томонидан ахборот технологияларидан фойдаланиб гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ноқонуний ўтказиш жиноятларининг назарий тушунчалари!. Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук, 4(1), 171-177.
- 18.Орипов , Темурмалик. 2023. «Хуқуқбузарликлар профилактикасида фуқаролар иштирокининг ахамияти». Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук 3 (6):225-29. <https://in-academy.uz/index.php/EJLFAS/article/view/18296>
- 19.Файзуллаев, Д. (2024). Ёшлар орасида экстремизм ва радикализмни тарқалишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни кучайтиришнинг ўзига хос хусусиятлари!. Евразийский журнал академических исследований, 4(1 Part 2), 97-103.
- 20.Сўров тезкор-қидирув тадбирини ўтказишда унинг тактик хусусиятлари.А.А. Атоев - Eurasian Journal of Technology and Innovation, 2024 - cyberleninka.ru.
21. КИССАВУРЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ФОШ ЭТИШДА ТЕЗКОР – ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИТекст научной статьи по специальности «Науки о Земле и смежные экологические науки»Жамшид Нуриддин Ўғли Низомиддинов
22. Отақулов , Н. . (2023). НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ. Евразийский журнал академических исследований, 3(9), 202–206. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/ejar/article/view/20968>.

23. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ НАТИЖАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ. КН Убайдуллаев Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences 4 (4), 62-70
24. THEORETICAL AND LEGAL ANALYSIS OF THE CONDITIONS OF CONDUCTING FAST SEARCH EVENTS КА Mukhtorovich - International Journal Of Law And Criminology, 2024 - inlibrary.uz
25. Исомиддинов, С. (2024). “Фирибгарликнинг виктимологик профилактикасини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари” Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Journal home page: <https://inscience.uz/index.php/socinov/index> Б.185-192.
26. Насритдинов А (2025) Дастлабки терговда жиноятларнинг олдини олиш вазифасининг моҳияти ва аҳамияти - MODERN EDUCATION AND DEVELOPMENT <file:///F:/maqola/смагта/ссилка%20.pdf> Б 225-240

